

Халқимиз қалбидан чукур ўрин олган

Хабибаҳоним Охунова

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: Пўлатова Р.

Халқимиз қалбидан чукур ўрин олган дилбар ҳонанда бетакрор овоз соҳибаси Ўзбекистон ҳалқ артисти Ҳабиба Охунова ўзининг ёқимли овози ҳамда ижро услуби орқали ҳалқ меҳрини қозонган. Санъаткорнинг қайноқ қалбидан отилиб чиқиб кишини ўйлантирадиган, ҳаёлга чўмдирадиган сирли ва сехрли нолалари тингловчиларга манзур бўлибгина қолмай балки қалбida муҳрланиб қолган десак муболаға бўлмайди. Истеъдодли устоз актриса ва ҳонанда Ҳабиба Охунованинг ҳаёти ва ижодини қанча таърифласак шунча оз. Ҳабиба опа хотираси эъзозлашга лойиқ. Унинг “Алла”, “Кўнгил”, “Истак”, “Най навоси” каби қўшиқлари кўнгилга жуда яқин.

Ҳалқимизнинг севимли санъаткори Хабибаҳоним Охунова Андижон ҳамда Наманган театрининг энг кўзга кўринган актрисаларидан эди. Унинг овози жуда ширали бўлиб, тинглаган ҳар бир тингловчи овозига маҳлиё бўлмай иложи йўқ эди. қўшиқлари бир –биридан ёқимли эшитган сари эшитгингиз келади. Тирик бўлганларида 79-ёшни қоралаган бўлардилар.

Ҳабиба Охунова 1943-йилнинг 10 январида Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган Уболалигидан санъатга қизиқганлиги сабаб қўшиқ айтишга ҳавас ўйғонди. Ёш истеъдод эгаси турли танловларда қатнашиб, устозлар назарига тушади. Шундай устозларидан бири Ғуломжон Рўзибаев эди Ҳабибаҳоннинг ёқимли овози шўх лапарлари моҳир бастакорни бефарқ қолдирмаган. Устоз ёш истеъдоддаги қўшиққа бўлган қизиқишни доимо қўллаб-қувватлаб, уни ҳақиқий қўшиқчи сифатида тарбиялашга ҳаракат қилган. Ҳабиба бадиий ҳаваскорлар

тўгарагида қатнашиб ,эл эъзозига, хурматига эришади. Унга мактабдошлари “Булбулча” дея ном беришади. Қизалоқнинг қўнғироқдек овози кўпчиликни ҳайратга сола бошлади. 7-синф ўқувчиси Ҳабибани Асака шаҳар театрига таклиф этилади. Халқ театрида фаол қатнашган Ҳабиба Охунова “Шаҳлоларим” ашуласи билан машхур бўлиб кетади.Кўшиқни қайта-қайта айтишни илтимос қилишган,бу мактаб ўқувчиси учун жуда катта шараф эди. 1959-йили ўрта мактабни битирган энди у Андижонда анча танилиб қолган .Аббос Бакировдек буюк санъаткорнинг ҳам назарига тушган эди 1962-йили режисёр А Бакиров ,Раззоқов X, КЖаббаров , С Ҳайитбоевларнинг “Нодира” мусиқали драмасида Ҳабибани Ойпарча ролида учинчи ижрочи тарзида сахнага чиқаради.Бу ролни номдор ва тажрибали актрисалар ўйнаб келишгани боис уни театрга яқиндагина келган ёш ижрочига берилиши кўпчиликка ғалати туюлади. 19 ёшли Ҳабиба айнан режиссёр кўзлаганидек соддадил,хушрўй ва самимий қиз Ойпарча қиёфасини гавдалантириб беради. Андижон театрида у яна “ Ватан ишқи”да Зулфия, “Тошболта ошиқ”да Каромат каби ролларни зўр маҳорат билан ижро этади. Ёрқин қобилият,ёқимтой қадду чехра ,жозибали табиат соҳиби бўлмиш аксакалик ҳаваскор қиз ўз шаҳри, кейинроқ Андижондаги даражаси юксак санъат муҳити ва комил устозлар ёрдами билан ижод оламида ўз йўлини топди. 1963-йили Намангандаги театри бир неча йил давом этган соғ драма театри мақомидан мусиқали драма ва комедия театри мақомини олган эди. Ҳабиба қайноқ ижодий муҳит қўйнига кирди. Маматхон Убайдуллаев, Онахон Тожибаева Каримжон Мансуров каби санъаткорлар даврасида сахна илмини такомиллаштириди ва дирижёр Яшин Умурзақов, режиссёр Карим Йўлдошев каби инсонларнинг дўстона даврасида биринчи қадамдаёқ етакчи ролларга чиқа бошлайди. Ёш санъаткор ижодининг самарадорлиги шу билан белгиланадики , у ширадор овози,, келишган қоматига ишониб қўз-қўз қиласиган роллари билан чекланиб қолмади. Унинг бир турким роллари борки улар чинданда Ҳабибахоним

ижодий табиатининг ёрқин ифодасига айланган. Булар маълум мусиқий драмалардаги Зухра, Лайли, Ширин, Нурхон, Гулсара образларидир. Бу ролларни шу қадар маҳорат билан ижро этадики инсонийлик саҳовати билан аёл зоти учун муқаддас эркин яшаш, севгани билан баҳтли бўлиш ҳиссини тўлақонли намоён эта билган.

Серқирра ижодкор қўнфироқдай овози билан кўплаб шинавандалар ортириди. Ҳар бир ижод намунаси уни парвозларга ундали ва халққа манзур бўладиган, юрагидан жой оладиган қўшиқлар яратишга ошиқди. Бу йўлда ҳеч нарсадан чўчимади. Ҳабиба Охунованинг яна бир баҳти шундаки у Наманган театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Каримжон Мансуровдек таниқли бастакор тарбиясини олди. Тинмай меҳнат қилди, изланди, устоз ўргатган қўшиқларни ўрганиб, маромига етказиб куйлади.

Ҳабибахон ўзбек миллий ижро йўлининг янги мактабини очган санъаткор. Якка хофиза аёлларимиз кўп, лекин унга етадигани жуда кам. Санъаткоримиз бастакорлар Ф. Содиков, К. Мансуров, З. Ҳолмирзаев басталаган Саида Зуннунованинг “Баърно йигит”, А. Пўлатнинг “Наманган” Она юртим”, “Кўрмаган бўлсам сени” Д. Файзийнинг “Сабо билан” С. Ҳасанованинг “Ошнолигим”, “Одоб билан” каби қўшиқларини жуда чиройли куйлаган. Айниқса “Алла” қўшиғини ҳеч ким бефарқ тинглай олмаса керак. Бу қўшиқ инсон қалбининг энг нозик туйғуларини жунбушга келтиради. Ҳабибахоним моҳир актриса бўлгани учун ҳар бир ашулани сўз ва мусиқа руҳи билан яшаб туриб ижро этар, ҳар сафарги ижро лиммолим туйғуга, хис-ҳаяжонга тўла бўлгани учун ҳам ғоят жозибалик, таъсирчан эди.

Ҳабиба Охунова ижро этган Ш. Саъдулла, Ш. Ҳасанов ва З. Шокировларнинг “Ёрилтош” мусиқали эртагида Гулнора, Р. Орифжанов, ва Ф. Назировнинг “Алданган қиз” драмасида Юлдуз, М. Каримнинг “Ой тутилган тунда” трагедиясида Зубаржад, А. Тожибаев, К. Мансуровнинг “Тўй арафасида” мусиқали комедиясида, Ойбек, К. Яшин, Т. Жалиловнинг “Нурхон” мусиқали драмасида Нурхон, У. Исмаилов ва Ш. Отажановнинг

“Рустам” мусиқали драмасида Қиммат, Азиз Турсун “Машраб” асаридаги Гулрух сингари образлар театр санъатиниг ўлмас дурдоналаридир. Санъаткор бу санамларни ўз дунёқараши, табиати, қалби, ва рухи тўплаган тажриба ҳамда ўзи яшаган замон нафаси билан яратди. Актриса фақат миллий эмас, балки чет эл драматург асарларида ҳам ажойиб роллар ижро этган. Шекспернинг “Хамлет спектаклида Офелия,” “Отелло” да Дездимона, Соҳибжамолнинг “Гулисиёҳида Амал Шиллернинг “Қароқчилар асарида Амалия каби кўплаб роллар унинг ижро имконияти нақадар улуғлигини кўрсатади. У ижро этган образларнинг муваффақиятли чиқишида, аввало, Оллоҳ берган ҳусну-мaloҳат, мулойим, ўқтам ва сеҳрли овоз қолаверса чиройли қадду-қомат юксак истеъодод соҳиби эканлиги асосий сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Яхши актёр ҳеч қачон рол танламайди Ҳабибаҳоним ҳам шундай актрисалардан эди. Ўзига берилган ҳар қандай ролни маромига етказиб ижро этарди.

Ўзбек театр ва мусиқа санъатида ўз ижро мактабини яратиб. эл хизматига ҳамиша камарбаста бўлган Ҳабибаҳоним Охунова 1972йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1975 йил Ўзбекистон халқ артисти унвонларига эга бўлди. Истеъододли актриса, ажойиб хонанда Ҳабибаҳоним 1994 йил 10-сентябрда 51 ёшида оғир хасталиқдан вафот этди, охиратлари обод бўлсин Ҳабибаҳоним Охунова ижодига нафақат катта ёшдаги муҳлислар балки эндиғина санъат йўлига кираётган ёшлар ҳам бефарқ эмас,

Ҳалқимизда ўз касбининг усталарига “Худо берган” “Худо ёқтирган” каби эътирофлар ишлатилади. Бу каби юксак баҳо камдан-кам инсонларга насиб этади. Ҳабибаҳоним ҳалқимизнинг ана шундай санъаткорлардан эди. У ўз баҳтини санъатдан топди. Бутун умрини, борлигини санъатга бағишилади. Йирик ва ёрқин истеъодод эгаси уни билган ва яқиндан таниғанлар қалбida ҳамиша мангу яшайди. Унинг барҳаёт образлари ҳалқимиз қалбida муҳрланиб қолади. Ҳабибаҳоним қолдирган

ноёб қўшиқлар ҳали кўп йиллар халқимизга завқ-шавқ бахш этади.
Охиратлари обод бўлсин.

Вужудим сел бўлиб оқсин, Ҳабиба айлагин хониш,
Ашулланг дилга ўт ёқсин, Ҳабиба айлагин хониш.
Ҳолимга эл қулиб боқсин, Ҳабиба айлагин хониш
Бошимга таъналар ёқсин, Ҳабиба айлагин хониш
Ўқирман сенга минг таҳсин, Ҳабиба айлагин хониш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Moziydan sado ilmiy-amaliy, ma'naviy-marifiy jurnal 4.(68).2015 yil soni.
2. San'at jurnal.2/2013 yil soni.
3. San'at O'zbekiston Badiiy Akademiyasi jurnali 1/2018 yil №78
4. Tamaddun Tariximizni o'rGANAMIZ 6-son 2023 y
5. Namangan sadosi gazeta 3 soni aprelb'.
6. Namangan viloyati me'moray obidalar sirlari. Namangan nashriyoti I.YU. Yusupov. E. Yu. Mirzaliev
7. Namangan viloyati ziyoratgoxlari.Namangan shaxri 2015 y. L. Axmadalieva
8. Mirzaaliyev E. Namangan viloyat o'lkani o'rganish muzeyi : kecha va bugun. – Farg'ona. Farg'ona nashriyoti, 2010. – B. 18.. 2.Mirzaaliyev E.
9. Namangan viloyat o'lkani o'rganish muzeyi : kecha va bugun. – Farg'ona. Farg'ona nashriyoti, 2010. – B. 22.
10. <https://lex.uz/uz/docs/-3451889>